

**Рўйхатдан ўтказиш рақами: 698**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Асака” Банки Акциядорлар умумий  
йиғилишининг 2017 йил “21” июндаги  
01-сон баённомаси билан.

**“АСАКА” БАНКИ  
МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИДА ҲАРАКАТЛАР ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

## МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II. НИЗОМ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ .....	3
III. БАНҚДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ .....	3
IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ).....	4
V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ОЛДИНИ ОЛИШ .....	4
VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ. ....	7
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	9

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, “Асака” банки (қуйида матн бўйича – “Банк”) Уставига, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди.

2. Банк фаолиятини амалга оширишда Банк (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ҳамда кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозлар (қуйида матн бўйича – “Мижозлар”)нинг мулкӣ ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршилик туфайли манфаатлар тўқнашувлари юзага келиши, бунда Банкнинг бошқарув ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, Банк акциядорлари манфаатлари ўртасида, Банкнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда унинг акциядори (акциядорлари) манфаатлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви (корпоратив низо) юзага келиши мумкин.

3. Мазкур Низомда қуйидаги манфаатлар тўқнашувлари юзага келган ҳолатлар кўриб чиқилади:

- мажоритар акциядорлар (йирик акциялар пакетларига эга акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (кам миқдорли акцияларга эга акциядорлар) ўртасида;
- Банкнинг бошқарув органлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида;
- Банкнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасида;
- Банк ва Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазифалари амалга оширилиш вақтида.

## **II. НИЗОМ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР ДОИРАСИ**

4. Низомнинг амал қилиши Банкнинг бошқарув ва назорат органлари аъзолари ва барча ходимлари учун эгаллаб турган лавозимлари даражасидан қатъи назар жорий қилинади.

5. Мазкур Низомга риоя қилиш тўғрисидаги талаблар Банк билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ҳамкорлик қиладиган жисмоний шахсларга, тааллуқли вазифалар улар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида мустаҳкамланган ёхуд бевосита қонун билан белгиланган ҳолатларда татбиқ қилинади.

## **III. БАНҚДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

6. Банкда манфаатлар тўқнашувини бошқариш қуйида қайд этилган тамойилларга асосланади:

- ҳақиқий ва потенциал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши шартлиги;
- ҳар бир манфаатлар тўқнашувини аниқлашда ва уни ҳал қилишда Банк учун обрў-эътиборига доғ тушиш хавфларини алоҳида кўриб чиқиш ва баҳолаш;
- манфаатлар тўқнашуви ва унинг ҳал қилиниши тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниш жараёни қатъий махфийлиги;
- манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда Банкнинг бошқарув ва назорат органлари ва унинг ходимлари манфаатлари мувозанатига риоя қилиш;
- ходим томонидан ўз вақтида ошкор қилинган ва Банк томонидан ҳал қилинган (олди олинган) манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабар берганлиги туфайли шахсни таъқиб этилишдан ҳимоя қилиш.

#### **IV. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРОИТЛАРИ)**

7. Манфаатлар тўқнашуви Банкнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида, Банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасида қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

- миноритар акциядорларнинг Банк фаолиятига ҳамда Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсатиш имконияти йўқлиги;

- ваколатли бошқарув органлари билан олдиндан келишилмасдан йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш;

- бошқарув органлари томонидан Банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши;

- ахборотнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинмаслиги ёхуд Банк бошқарув органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотлар бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари, бошқа жамиятлар улушлари (акциялари)га эгаллиги тўғрисида тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим қилиниши.

8. Банкнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- қонун ҳужжатлари, Банкнинг таъсис ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

- Банк акциядорлари манфаатларининг устуворлик тамойилига риоя қилмаслик;

- амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

- Банк томонидан ҳам, Мижозлар томонидан ҳам шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги;

- қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган ўз вазифаларининг бажарилмаслиги.

9. Банк ва Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин:

- қонун ҳужжатлари ва Банкнинг ички ҳужжатлари талаблари бузилиши;

- амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

- ҳам хусусий, ҳам оила аъзолари билан тижорат фаолиятини юритиш;

- Банк амалий муносабатлар ўрнатган бошқа компанияда молиявий манфаатлар мавжудлиги;

- бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ўриндошлик бўйича ишлаш ёки унинг бошқарув органларида иштирок қилиш;

- шахсий манфаатларини кўзлаб Банк манфаатларига зарар келтирган ҳолда бошқа ташкилотларга амалий имкониятлар тақдим қилиш.

#### **V. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

10. Банк Устави ва унинг ички ҳужжатлари билан манфаатлар тўқнашувлари олдини олишнинг умумий механизмлари назарда тутилган.

Мазкур Низом билан манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш бўйича Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, Банк мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган чора-тадбирлар белгиланади.

11. Ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш мақсадида Банкнинг бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари шарт:

- қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Банк Устави ва ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- Банк томонидан ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда барқарор даромадлиликка эришилишни таъминлаш;
  - низоли вазиятлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар содир этилишидан ва қарорлар қабул қилинишидан сақланиш;
  - Банкнинг самарали бошқарувини таъминлаш;
  - Банкнинг қонунга хилоф фаолиятни амалга оширишга, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш (ўзлаштириш)га ва терроризмни маблағ билан таъминлашга жалб этилиш эҳтимолини истисно қилиш;
  - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқарув органлари олдида йилнинг ҳар чорагида ҳисобот бериш;
  - Банк Устави ва ички ҳужжатларига мувофиқ ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;
  - йирик битимлар, алоҳида битимлар ёки қонун ҳужжатлари ва Банк Устави билан белгиланган миқдордан юқори бўлмаган суммадаги бир қатор ўзаро боғлиқ битимларни Банк Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;
  - йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузиш шартларини назорат органлари билан ўрганиб чиқишни амалга ошириш;
  - зарур ҳолларда, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар Кенгаш томонидан тасдиқланишида мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб қилиш;
  - аффилланган шахслар тўғрисида маълумотларнинг ҳисобга қўйилишини таъминлаш;
  - қуйидагилар:
    - а) аффилланган шахслар;
    - б) Банк акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тартиблари ишлаб чиқилишини ва уларга риоя этилишини таъминлаш;
  - Банкнинг ваколатли органлари томонидан тасдиқланишсиз йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузмаслик;
  - юқори органлар рухсатсиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;
  - амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ Банк фаолияти тўғрисидаги ахборот ва Банк ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомга мувофиқ қўшимча ахборот ошкор қилинишини амалга ошириш;
  - акциядорларга ва Мижозларга, бошқарув ва назорат органларига ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа эълон қилинадиган ахборотнинг шубҳасиз тўғрилигини таъминлаш;
  - Банкда мавжуд ахборотдан бундай ахборотдан фойдаланиш имкониятига эга шахслар томонидан шахсий мақсадларда фойдаланиш олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
  - оммавий ахборот воситаларида ва бошқа манбаларда Банк тўғрисида салбий ахборотнинг асослиги ва холислигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Салбий ёки асоссиз ахборот пайдо бўлиши ҳар бир ҳолати бўйича ўз вақтида диққат-эътибор қаратиш;
  - Банкнинг ички назорат тизими камчиликларини аниқлашда иштирок қилиш;
  - Банкнинг бошқарув ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган иш ҳақининг Банк молиявий аҳволига мослигини таъминлаш, шунингдек Банк фаолиятида эришилган натижалар режалаштирилган кўрсаткичларга қанчалик мувофиқлигини аниқлаш;
  - касбий ва корпоратив одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш.
12. Банк акциядорлари ўртасида, шунингдек Банк бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасида манфаатлар тўқнашуви олдини олиш мақсадида Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларни ҳам амалга оширишлари шарт:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, Банкнинг меъёрий ҳужжатлари, Устави ва ички ҳужжатлари билан белгиланган мажоритар ва миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинадиган ахборотнинг акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

- ҳисоблаб ёзилган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;

- акциядорларга низо чиқишига сабабчи бўлиш эҳтимолига эга масалалар бўйича тўлиқ ахборот тақдим қилиш;

- рақобатчи банк акциялари (улушлари)ни харид қилишда, шунингдек бундай шахслар бошқарув органларида иштирок қилишида Банк бошқарув органлари аъзолари тузилишидан манфаатдор бўлган битимларни аниқлаш;

- қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг объективлиги, пухта ўйланганлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун Кенгаш таркибига мустақил аъзолар тавсия этилишига интилиш.

13. Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасида манфаатлар тўқнашувлари олдини олиш мақсадида Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларни ҳам амалга оширишлари шарт:

- белгиланган тартибда Банк тўғрисида ахборот тақдим қилинишини таъминлаш;

- махфий ва бошқа муҳим ахборотдан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

- Мижозга шартномада ўзаро келишилган асосда ёки тегишли маълумотлари тўлиқ ошкор қилинган тарифлар бўйича белгиланган миқдорда хизматлар кўрсатиш ва ҳақ олиш;

- Банк обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган Мижозлар билан битимлар тузилишига йўл қўймаслик;

- ўз Мижозлари учун малакали ва виждонан хизматлар кўрсатиш;

- Мижоз очиқ-ойдин хато қилганда (шу жумладан, Мижоз томонидан имзоланган ариза, шартнома ва бошқа ҳужжатдаги хатоликда) ушбу вазиятдан ходимларнинг онгли равишда шахсий мақсадларда фойдаланишларини истисно этиш. Бундай хато мавжуд ҳолатда Банк ходими бундай ҳужжатдан фойдаланиш олдини олиш бўйича оқилона чоралар кўриши ва Мижозни бу тўғрисида хабардор қилиши керак;

- Мижозга берилган тавсиялар ушбу масала бўйича мавжуд ахборотнинг виждонан таҳлилига асосланишини таъминлаш;

- Банк бошқарув органлари ёки ваколатли мансабдор шахслар розилигисиз Банкдаги хизмат, банк сирига киритилган ёки тижорат сирини ўз ичига олган, қоғоз, магнит ва бошқа турдаги ташувчи воситаларда жойлаштирилган ахборот сотиш, узатиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, айирбошлаш ва бошқача тарзда тарқатиш ва кўпайтириш предметига айланмаслиги учун Банк фаолияти жараёнида яратилган, ўзлаштирилган ва тўпланган ахборотни сақлаш тизимини такомиллаштириш.

14. Банк ва Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида улар томонидан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида манфаатлар тўқнашуви олдини олиш мақсадида Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни ҳам амалга оширишлари шарт:

- амалий мулоқот меъёрлари ва касбий одоб-ахлоқ тамойилларига риоя қилиш;

- белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

- Банк билан рақобатчи ташкилот улуши (акциялари)ни харид қилиш нияти тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёки Банк бошқарув ва назорат органларини хабардор қилиш;

- низоли вазият пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида юқори мансабдор шахсни ўз вақтида хабардор қилиш;

- мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари катта молиявий манфаатга эга ва Банк тижорат фаолиятини юритаётган ёки юритишни мўлжаллаётган ташкилотлар тўғрисида юқори мансабдор шахсни ёзма равишда хабардор қилиш;

- мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари катта молиявий манфаатга эга ёки аффилиланган шахслари ҳисобланган ташкилотлар ва Банк ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фаолиятдан сақланиш;

- манфаатлари Банк манфаатларига зид келиши мумкин бўлган бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок қилиш учун олдиндан юқори органлар рухсатини олиш;

- бошқа ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлаш нияти тўғрисида ва мўлжалланган иш Банк манфаатларига зид келмаслиги тўғрисида юқори мансабдор шахсни хабардор қилиш.

## **VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

15. Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилиш учун Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қонуний ва асосланган, Банк манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш мақсадида судгача текширув тадбирларини амалга оширадilar.

16. Мансабдор шахслар Банкнинг бошқарув ва назорат органлари, Корпоратив котиби номига, шунингдек Банкнинг таркибий бўлинмаларига келиб тушаётган акциядорлар ва Мижозларнинг хатлари, аризалари ва талабномалари (шу жумладан, оғзаки) ҳисобга қўйилиши ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари шарт.

17. Корпоратив низоларни ҳисобга қўйиш Банкнинг Корпоратив котибига юклатилади. Банкнинг Корпоратив котиби корпоратив низога дастлабки баҳо беради, масаланинг моҳияти бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлайди ва Банк Кенгаши билан келишилгандан сўнг уларни Банкнинг ушбу корпоратив низони кўриб чиқиш ваколатига эга органига топширади.

18. Банкнинг Корпоратив котиби тез-тез юзага келадиган низоларни таҳлил қилади, низонинг барча иштирокчиларига қўшимча ахборот тақдим қилиш зарурати тўғрисида қарор қабул қилади ва/ёки Банкнинг ваколатли органи раҳбарига ушбу турдаги низоларни пайдо қиладиган сабабларни бартараф этиш мақсадида ички тартиблар ва йўриқномаларни ўзгартириш, бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритади.

19. Мижоздан ёки бошқа манбалардан низоли вазият тўғрисида ахборот олган ходим бу тўғрисида юқори мансабдор шахсни зудлик билан хабардор қилиши керак. Низони таркибий бўлинма миқёсида ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, бўлинма раҳбари бир иш куни мобайнида Банк Бошқарув Раисига ёки унинг ўринбосарига низо, унинг юзага келиш сабаблари, кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиши шарт. Банк Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосари низони ҳал қилиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур ҳолларда, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун комиссия тузилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, Банк Бошқарув Раиси масалани Бошқарув томонидан кўриб чиқилиши учун киритади, Кенгаш Раисига низо тўғрисидаги маълумотларни юборади.

21. Мазкур ахборот Кенгаш ҳузурида низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун ташкил этилган қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади.

22. Бирор-бир ривожланиш босқичида Банк Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низо тўғрисидаги маълумотлар уч иш куни мобайнида низони ҳал қилиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш учун Банк Кенгашига келгусида қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқиш ва Банк Кенгашига ушбу масала бўйича хулоса тақдим қилиш учун топширилади.

23. Агар низони кўриб чиқиш натижасида Банкнинг амалдаги ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келса, Банк Кенгаши ёки Бошқаруви ҳужжатни ишлаб чиқиш ёхуд тааллуқли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

24. Банкнинг бошқарув органлари Банкда юзага келадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- юзага келадиган манфаатлар тўқнашувларини максимал даражада тез топиш, уларнинг сабабларини аниқлаш;

- Банкнинг бошқарув органлари ваколати ва жавобгарлигини аниқ чеклаб қўйиш;

- Банкнинг ваколатли шахсини белгилаш ёки зарур ҳолларда, низони ҳал қилиш бўйича комиссия тузиш;

- Банкнинг низо моҳияти бўйича нуқтаи назарини максимал қисқа муддатларда аниқлаш, тааллуқли қарор қабул қилиш ва уни низонинг иккинчи Томони эътиборига етказиш;

- низонинг иккинчи Томонига Банкнинг низода тутган ўрнини аниқ асослайдиган тўлиқ ва батафсил жавоб хати юбориш, низо иштирокчисининг илтимоси ёки талабини қондириш рад этилганлиги тўғрисида хабарномани эса қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар, Банкнинг тааллуқли органи томонидан тасдиқланган Устав ва ички тартибга солувчи ҳужжатларга мувофиқ асослаш;

- низони ҳал қилишда қатнашган ваколатли шахс низо унинг оила аъзолари манфаатларига дахл қилиши ёки дахл қилиши мумкинлиги тўғрисида зудлик билан хабар беришини таъминлаш;

- низо манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахсларнинг ушбу низони ҳал қилишда ва тегишли қарор қабул қилишда қатнашмасликларини таъминлаш.

25. Акциядорлар ўртасида, Банкнинг бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун:

- Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Банк акциядорлари ўртасида юзага келган низони ҳал қилишда воситачи сифатида қатнашиши мумкин;

- Банкнинг ваколатли шахси ёхуд ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок қилиши, акциядорларга ўз ихтиёридаги ва низога тегишли ахборот ва ҳужжатларни тақдим қилиши, қонун ҳужжатлари, Банк Устави ва ички ҳужжатлар меъёрларини тушунтириши мумкин;

- Банкнинг ваколатли шахслари ёки ваколатли органлари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар берадилар, акциядорлар томонидан имзоланиши учун низони ҳал қилиш тўғрисида ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайдилар, Банк номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида низони ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган даражада мажбуриятлар қабул қилдилар;

- Банкнинг ваколатли органлари ўз ваколатларига мувофиқ корпоратив низони ҳал қилиш бўйича қарорлар реализация қилинишини ташкиллаштириши ва низо иштирокчиси томонидан Банк номидан имзоланган битимлар ижросига кўмаклашиши керак. Низо Томони ва Банк ўртасида уларнинг асосий мажбуриятлари бўйича келишмовчилик мавжуд бўлмаган, бироқ уларни бажариш тартиби, усули, муддатлари ва бошқа шартлар тўғрисида келишмовчилик юзага келган ҳолатларда, Банк низо иштирокчисига юзага келган келишмовчиликларни ҳал этишни таклиф қилиши ва Банк акциядор талабини қондиришга тайёр бўлган шартларни баён қилиш керак;

- агар Банкнинг акциядор талабини қондиришга розилиги ушбу Томон билан қонун ҳужжатлари, Банк Устави ёки ички ҳужжатлари билан назарда тутилган бирор-бир ҳаракатларни амалга ошириш зарурати билан боғлиқ бўлса, Банкнинг жавоб хатида бундай шартлар тўла-тўқис қайд этилади, шунингдек уларни бажариш учун керакли ахборот маълум қилинади (масалан, акциядорлар томонидан расмий талаб қилинган ҳужжатларни тайёрлаш учун ҳақ миқдори ёки банк реквизитлари ва ҳ.к.).



26. Мазкур чора-тадбирлар рўйхати узил-кесил ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳолатда манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш секторига қараб низони ҳал қилишнинг ўзгача шакллари бўлиши мумкин.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

27. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

28. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллуқли ўзгартиришлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Устави меъёрларига амал қилиниши керак.

**Бошқарув Раиси**

**А.И. Ахмедхаджаев**

**Бошқарув аъзолари:**

**Р.К. Касимов** \_\_\_\_\_

**О.К. Норинбаев** \_\_\_\_\_

**З.А. Галинова** \_\_\_\_\_

**М.Ш. Пулатова** \_\_\_\_\_

**Киритилди:**

**Казначейлик департаменти бошлиғи:**

**И.Х. Исканов** \_\_\_\_\_

**Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни ўзаро мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи:**

**А.Б. Бахрамов** \_\_\_\_\_

**Ички аудит хизмати бошлиғи:**

**А.А. Кариев** \_\_\_\_\_

**Ички назорат хизмати бошлиғи:**

**М.Д. Мирзаев** \_\_\_\_\_